


Ҳурматли тадбиркорлар!



Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритишиларини таъминлаш ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан биридир.

Шу боис бугун мамлакатимизда тараққиёт локомативи, юрт таянчи бўлган сиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятларингизни

ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиш устувор вазифалардан бири саналади.

Айни мақсадда бир қатор солик имтиёзлари ҳам тақдим этилган бўлиб, бу юртимиз ишбилармонларига фаолиятларини ривожлантириш ва янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 11-мартдаги "Солик маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ўРҚ-758-сонли қонуни билан Солик кодексига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сурхондарё вилоятининг Узун тумани Боботоғ ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 17 февралдаги "2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иктисодий рибожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субектларга ва якка тартиbdаги тадбиркорларга белгиланган солик ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солик ставкалари бўйича тўлайди. ъ

Таъкидлаш жоизки, бу каби солик имтиёзлари тадбиркорларга маблағларини тежаш ва тежалган маблағни фаолиятлари ривожига сарфлаш имконини беради.

"Соликчи-тадбиркорга қўмакчи" тамойили асосида Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солик хизмати органлари ходимлари томонидан жорий йилнинг апрел ойи давомида кўплаб ишлар амалга оширилди:

- 106 та тадбиркорлик субектининг 117 дан ортиқ муаммолари ўрганилиб, уларнинг 88 таси бевосита солик ходимлари қўмагида ҳал этилди;
- Солик ходимлари томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 76 та корхонадаги 103 нафар норасмий ишловчи фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилди;

Бундан ташқари, тадбиркорлик субектлари иштирокида З маротаба учрашувлар ўтказилиб, солик қонунчилигидаги янгиликлар ҳамда ҳисботларни тўлдириш ва топшириш тартиблари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шамсиддин Қосимов, Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солик инспекцияси бошлиғи